



**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил  
27 февралдаги 105-сонли «Юридик шахснинг алоҳида бўлинмалари  
бўйича солиқларни тўлаш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш  
хақида» қарори тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 2016 йил 27 декабрдаги ПҚ-2699-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 27 февралдаги 105-сонли «Юридик шахснинг алоҳида бўлинмалари бўйича солиқларни тўлаш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш хақида» қарори ижро учун раҳбарликка олинсин.

2. Мазкур Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан:

а) юридик шахсларнинг алоҳида бўлинмалари бўйича солиқларни тўлаш тартиби тўғрисидаги Низом (кейинги ўринларда Низом деб аталади) иловага мувофиқ тасдиқланганлиги;

б) Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитасига Молия вазирлиги билан биргаликда ушбу Низомнинг амал қилиши татбиқ этиладиган, алоҳида бўлинмалари мавжуд бўлган юридик шахсларнинг рўйхатини бир hafta муддатда тасдиқлаш топширилганлиги;

в) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларига ҳудудий молия органлари ва давлат солиқ хизмати органлари билан биргаликда солиқларни алоҳида бўлинма жойлашган жой бўйича тўлаш учун белгиланган мезонларга мувофиқ келадиган алоҳида бўлинмаларга эга юридик шахсларни аниқлаш мақсадида жойларда тизимли равишда хатлов ўтказиш юкланганлиги;

хатлов натижалари бўйича ҳар йили 1 июнга қадар Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитасига ва Молия вазирлигига тасдиқланган Низом татбиқ этиладиган юридик шахслар кўламини кенгайтириш ёки қисқартириш хақида таклифлар киритиш топширилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Нукус шаҳри ва туманлар ҳокимликларига, Қорақалпоғистон Республикаси Давлат солиқ бошқармасига (А.Сапарбаев), Молия вазирлигига (Б.Утамбетов):

ҳудудий молия органлари ва давлат солиқ хизмати органлари билан биргаликда солиқларни алоҳида бўлинма жойлашган жой бўйича тўлаш учун белгиланган мезонларга мувофиқ келадиган алоҳида бўлинмаларга эга юридик шахсларни аниқлаш мақсадида жойларда тизимли равишда хатлов ўтказиш;

хатлов натижалари бўйича ҳар йили 1 июнга қадар Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитасига ва Молия вазирлигига тасдиқланган Низом татбиқ этиладиган юридик шахслар кўламини кенгайтириш ёки қисқартириш хақида таклифлар киритиш вазифаси юклансин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг биринчи ўринбосари М.Содиқов зиммасига юклансин.

**Қорақалпоғистон Республикаси  
Вазирлар Кенгашининг Раиси**



**Қ.Сариев**